

## Масжидда аёлларнинг ўзлари учун бир эшикни хослаш ҳақида

«Аёллар учун махсус дарслар силсиласи» дарсидан иқтибос

[ Ўзбекча – Uzbek – اُزبکي ]



### Абдулҳафиз домла



**Муҳаррир: Абу Абдуллоҳ Шоший**

## تخصيص النساء بباب في المسجد

مقالة مقتبسة من كتاب شرح الأربعون النسائية

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]



عبد الحفيظ داملا

٤٣٩

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

Бундан аввалги дарсларимизда аёл кишининг уйда ўтиришлиги ҳақидаги, эҳтиёж бўлганда чиқишигининг жоизлиги ҳақидаги китобни ўқиб, ўрганиб ўтдик. Унда аёллар эҳтиёж туфайли кўчага чиққанларида баъзи бир қоидаларга роия қилишлари зарурлигини ҳам айтиб ўтдик. Энди кўчага чиққандан аёл киши эркакларга аралашишлик эҳтимоли бўлгани учун алоҳида бир китобда, яъни «Аралашишни ман қилиш ҳақидаги китоб» деб номлаган китобда аралашишдан қайтарадиган баъзи бир ҳадисларни ўрганиб ўтамиз.

### باب تخصيص النساء بباب في المسجد

#### **Масжидда аёлларнинг ўзига хос эшикни хослашлик ҳақидаги боб**

«عَنْ نَافِعٍ، عَنْ ابْنِ عُمَرَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَوْ تَرَكْنَا هَذَا الْبَابَ لِلنِّسَاءِ» قَالَ نَافِعٌ: فَلَمْ يَدْخُلْ مِنْهُ ابْنُ عُمَرَ حَقًّا مَاتَ»

Нофеъ Ибн Умардан ривоят қиласи. Ибн Умар айтдиларки: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Мана шу эшикни аёлларга қолдирсак». Нофеъ айтади: Ибн Умар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шу гапни эшикнларидан кейин то вафот этгунларига қадар мана шу эшикдан қайтиб кирмадилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Мадина-даги масжидларининг бир нечта эшиклари бор эди. У эшикларнинг ҳар биридан намозхонлар киришар эди.

Эркаклар ҳам, аёллар ҳам хоҳлаган эшикларидан киришар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эшиклардан бирини аёлларга хослашни хоҳладилар ва бунга тарғиб қилиб «**Бир эшикни аёлларга қолдирсак**», дедилар. Шу билан бир эшик аёлларники бўлиб қолди. Ҳозирги кунда суффанинг қаршисидаги, шарқ томондаги эшик «аёллар эшиги» деб номланади «бабун ниса» деб валлоҳу аълам шу эшик бўлган бўлиши мумкин.

Аёллар аввалги ҳадисларимизда зикри ўтди, аксар ҳолатда тунги намозларда, фажрда, яъни эрта тонгда ва шом, хуфтон намозлариға келишар эди. Шундай ҳолатлар ҳам бўлардики, кундузларда масалан, пешин, аср намозларида аёлларнинг эшигидан деярли бирор кирмас эди. Аёллар йўқлиги туфайли гоҳи эркаклар ўша эшиқдан киришар эди. Лекин Ибн Умар розияллоҳу анхумо суннатга қаттиқ амал қилганларидан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шу битта гаплари кифоя қилди, «Шу эшикни аёлларга қолдирсак» умр бўйи шу эшиқдан қайтиб кирмадилар, ҳатто, аёллар йўқ пайтида ҳам. Ушбу ҳадисни Абу Довуд ривоят қилганлар.

Абу Довудни шарҳлаган Аллома Абут Тийб Мұхаммад Шамсулҳақ Азим Ободий айтадиларки: Бу ҳадисдан мақсад, аёллар масжидга кириб чиқишида аралашмасинлар ва яна ҳадисда далолат борки, масжиднинг ичидаги аёллар эркакларга аралашмасинлар, балки улар масжиднинг бир четида, алоҳида, бир чеккада имомга иқтидо қилиб намоз ўқисинлар. Абут Тийб раҳимахуллоҳдан нақл тугади.

Демак, шариати исломийя эркаклар ва аёллар аралashiши ва учрашиши мумкин бўлган ўринларда, уларнинг баъзилари бошқаларига аралашиб кетмасликларига қаттиқ аҳамият берган ва бунинг ўз эҳтиёт чораларини кўрган. Бу эҳтиёт чораларидан бири бобимизнинг ҳадиси. Бундан ташқари ҳам бу хусусда бир қанча ҳадислар ворид бўлган. Абу Хурайра розияллоҳу анху ривоят қиласидар, дедилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдиларки: «**Эркакларнинг сафларининг яхшироғи аввалгиси, ёмонроғи охиргиси. Аёлларнинг сафларининг яхшироғи охиргиси, ёмонроғи аввалгиси.**». Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ ушбу ҳадисни шарҳлаб туриб дедиларки: «Ҳадисдаги аёлларнинг сафларидан мурод эркаклар билан бирга масжидда намоз ўқийдиган аёлларнинг сафларидир.

Аммо аёллар ўzlари ёлғиз, алоҳида жамоатда ўқишадиган бўлишса уларнинг ҳам сафлари яхшилик, ёмонликда яъни фазилатда эркакларнига ўхшайди. Аввалги сафлари яхшироқ бўлади, охиргилари ёмонроқ бўлади. Чунки, у кеч қолиб, имомдан узокроқ тургани учун.

Имом Нававий шарҳларида давом этиб айтадиларки: Аёллар сафларининг охиргилари яхшироқ дейилди. Бунинг сабаби эркакларга аралashiшдан узокроқ бўлганликлари учундир ва эркакларни кўрмасликлари ва уларнинг, яъни аёлларнинг ҳаракатларини кўрган пайтда ёки уларни сўзларини эшитган пайтларида бир-бирларининг ҳаракатларини, овозларини эшитган пайтда қалблар боғланиб қолмаслиги учундир. Уларнинг, яъни аёлларнинг

сафларининг аввали мазмум саналди, чунки бу ҳозир айтиб ўтилган нарсанинг акси бўлгани учун. Яъни, улар эркакларга яқин бўлишади, кўриб қолишади, гапларини эшишиб қолишади ва хоказо бўлганлиги учун аёлларнинг аввалги сафлари мазмум, ёмонрок деб эътибор қилинди.

Шундай дейиш билан аёлларни ҳам, эркакларни ҳам бир-биридан узоқлаштирилди.

Бу ҳадисни эшитган ҳар бир аёл иложи борича орқа сафга туришга харакат қиласди. Бу ҳадисни эшитган ҳар бир эркак иложи борича олдинги сафга туришга харакат қиласди ва шу билан эркак-аёл ўртасидаги аралashiш йўқолади. Аёлларнинг орқароқда туришларининг афзаллиги; гоҳида аёл кишининг юзи очилиб қолиши мумкин, рўмоли тушиб кетиб қолиши мумкин, боши очилиб қолиши мумкин. Агар у эркаклардан узоқроқда бўладиган бўлса тезда эркакларнинг кўзи тушишидан олдин ўзини тўғрилаб олади. Аммо, эркакларга яқинроқ бўладиган бўлса у ҳали ўзини тўғрилаб улгурмасидан аввал эркакларнинг кўзи тушиб қолиши мумкин.

Эркакларга нисбатан ҳам шундай иш бўлиши мумкин. Масалан, рукуъ, сажда қилаётган пайтларида эркакларнинг аврат жойлари очилиб қолиши мумкин. Яқин турган аёлларнинг бунга кўзи тушиши мумкин. Авратларга кўзнинг тушишлиги энг қабиҳ ишлардан. Бўлиб ҳам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида эркаклар изор кийишар эди. Изор ичидан ундан бошқа бирор ички кийим кийишмас эди. У вақтда бу нарса одатда йўқ эди.

Шунинг учун ёлғиз изор кийган одам сажда ёки рукуй қилганда унинг авратлари кўриниб қолиш эҳтимоли бўлган. Шунинг учун бошқа бир ҳадисда Асмо бинт Абу Бакр розияллоҳу анхўмонинг ҳадисларида келганки, аёллар эркаклардан аввал бошларини кўттармаслиги ҳақида, бундан мақсад эркакларнинг авратларига аёлларнинг кўзи тушиб қолмаслиги учун эди. Чунки, улар орқада туришар эди.

Ушбу бобимиздаги ҳадиснинг маъносидаги ҳадислардан яна бир Умму Салама ривоят қилган ҳадиски, буни Имом Бухорий ривоят қилганлар. Унда айтилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида аёллар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоздан салом берган пайтларида то Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларидан туриб масжиддан чиққунларигача аёллар уйларига қайтиб, уйларига кириб бўлишар эди. Муҳаммад ибн Шиҳаб аз-Зухрий раҳимаҳуллоҳ айтадиларки: Нимага энди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кутиб ўтирас эдилар? Бунинг иллати шуки: — валлоҳу аълам — деб айтаптилар: Ул зот аёллар чиқиб кетишини кутиб ўтарардилар то намоздан чиккан эркаклар аёлларга етиб олмасинлар.

Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ айтадиларки: Ушбу ҳадисда имом муқтадийларнинг аҳволларини роия қилиши бордир, эътиборга олиши бордир. Мамнуъ, яъни қайтарилган гоҳи ишларнинг содир бўлиб қолишининг олдини олиш ҳам бордир ва бунда тухмат ўринларидан четланиш ҳам бордир ва яна кўчаларда эркак ва аёлларнинг аралашишларини карих кўриш

ҳам бордир. Демак, аёл киши намозда эркаклар билан бир сафда турмас экан, балки аёл киши эркакларнинг орқаларидағи сафда туради, гарчи ёлғиз бўлса ҳам, битта аёл бўлса ҳам. Бир дона аёл ҳам алоҳида битта сафда туради. Бунга далил: Анас розияллоҳу анху айтадилар: «Мен, етим ва онам бизнинг уйимизда Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ортларида туриб намоз ўқидик. Онам Умму Сулайм бизнинг орқамизда турган эди». Яъни, Умму Сулайм ёлғиз ўzlари иккинчи саф бўлиб турганлар.

Имом Бухорий раҳимахуллоҳ ўzlарининг саҳиҳларида шундай боб қўйғанлар «Аёл кишининг ёлғиз ўзи сафда туриши ҳақидаги боб». Демак, бу нимага далолат қиляпти? Ибн Ҳажар айтадиларки: «Бу ҳадисда далолат борки, аёл киши эркаклар билан бирга сафда турмайди. Чунки, бир сафда турадиган бўлса, эркаклар бу аёлга мафтун бўлиб қолишлари ва фитналаниб қолишлари мумкин. Бундан ташқари эркак ва аёллар бир сафда туришлари аралашишликка олиб боради. Шариат эса эркак ва аёлни аралашибидан қаттиқ қайтарган. Гоҳи ғарб давлатларида аёл кишининг жума хутбасини қилгани ва имомлик қилгани эркаклар ва аёллар аралашиб сафларда туриб намоз ўқишлари... буни кўрган одам мағрурланмасин-алданмасин, мана бўлар экан-ку! деб. Бу шариатдан мутлақо узоқ иш. Бу мумкин бўлмаган ишни қилишидир.

Яна мана шу бобга тааллуқли ҳолатларданки, ҳайит намозларида аёлларнинг эркакларга аралашиб масдан туришлари. Бунга Ибн Аббоснинг ҳадислари далолат қиласи: «Мен гувоҳлик бераман

Расулуллоҳ алайҳи ва саллам хутбадан аввал намоз ўқидилар, сўнгра хутба қилдилар ва аёллар эшийтмай қолди шекилли, деб ўйладиларда аёлларнинг олдилариға бориб уларга ҳам гапириб, уларга ҳам ваъз қилдилар. Бухорийнинг лафзида келганки: Сўнгра, яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутбадан кейин аёлларнинг олдига бордилар ва ул зот билан Билол бирга эдилар. Аёлларга ваъз қилдилар, уларга охиратни эслатдилар. Ибн Ҳажар ушбу ҳадисни шарҳлаб айтадиларки: «Сўнгра аёллар олдига бордилар» бундан тушуниляптики аёллар эркаклардан алоҳида эдилар, аралашган эмасдилар ва яна айтдиларки ул зот билан Билол бирга эдилар. Бунда аёлларга ваъз қилиш, хитоб қилиш, улар устида ҳукм қилиш одоблари ҳам борки, бундай ҳолатларда эркаклардан факат эҳтиёжи бўлганларгина келади. Яъни, ўша эркакнинг ҳозир бўлишига ҳожат бўлган одамгина келади. Масалан, гувоҳ бўлсин, ва шунга ўхшаганлар келса бўлади, ундан ортиғи келмайди. Билол Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хизматчилари эди ва садақани қабул қилишдаги мутаваллийлари эди. Шунинг учун Билол розияллоҳу анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бордилар. Абу Бакр, Умар ва бошқалар бормадилар.

Исломнинг аралашмасликка берган аҳамиятни қаранг, бугунги кундаги Ислом оламидаги мусулмонлар юртларидаги аралашишга қаранг! Кўчаларда, тўйларда, маъракаларда, ҳар хил йиғинларда, бозорларда, оммавий нақлиёт воситаларида, тоираларда бўлсин, бошқаларда бўлсин, ҳамма жойда аралашиш. Аралашиш шу даражадаки, ҳаттоқи эркакларда ғуур

қолмаган, ғуур үйк. Нақлиёт воситасида кетаётганда бирор эркакнинг ёнида жой бўшаб қоладиган бўлса дарров аёлинни ўтқазиб қўяди. Ҳолбуки, бу ўтиришда икки ёнма-ён ўтирган одамларнинг жасадлари бир-бирига тегиб туради. Оёқлари, сонлари бир-бирига тегиб туради, ўртада буларни ажратиб турадиган нарса йўқ. Тоираларда бўлсин, а, б, с, д деб ҳар бирини номига билет ёзилган бўлса, аёлинники а экан, эрники с экан, ўртада б битта бошқа эркакка тушиб қолган, бу сизнинг жойингиз экан деб ўртасига эр-хотин ўртасига битта эркакни ўтқазиб қўяди. Ҳа, деса, билетда шундай ёзилган эканда. Сен уни буёққа ўткиз, ёки ўзинг ўт. Алмуҳим аёлингга бошқа эркакни аралаштирма. Мактабларда бўлсин, олий илм даргоҳларда бўлсин, йигитлар ва қизлар аралашиб юрадилар, аралашиб ўтирадилар, ёнма-ён ўтирадилар. Ишхоналарда эркак ва аёл битта хонада учта-тўрттаси бўладида, ҳар бирининг ўз жойи бор, стол-стули бор, қарама-қарши, ёнма-ён ўтиришади, бир-бирига дардлашиб ўтиришади. Бу аёл ўзининг эридан анави қўшни эркакка, ёнидаги бирга ишлайдиган эркакка шикоят қилса. Бу эркак ўзининг аёлидан бу аёлга шикоят қиласи. Ёки ўртада гап сотиб ўтиришади, гаплашиб, сухбатлашиб; Уни эшитдизми, буни эшитдизми, уни кўрдизми, буни кўрдизми? Худди булар ҳаммаси ака-ука, эр-хотиндеқ. Ислом манъ қилган ихтилотнинг кўринишлари бу!

Ёки мудир, Аллоҳ таоло бир бандасига озгина мол берса, у бир ширкат очадида, ширкатига офис очади, офис очгандан кейин... Ҳа, энди офис очгандан кейин, мудир бўлгандан кейин унинг бир «нимаси» бўлиши керак? Секретари бўлиши керак. Секретар деганда аёл

киши тушунилади, эркак киши секретар бўлиши мумкин эмас, буларнинг қоидасида, буларнинг китобида у нарса ёзилган эмас. Буларда секретар аёл киши бўлиши керак. Таққилатиб, коғозини қўтариб киради, чой дамлаб киради. Охири иккаласининг ҳам ҳолигавой бўлади. Гоҳида мудир хотинини талоқ қилиб, мана шу секретарига уйланиб олади ёкиундан бошқа иш бўлади. Аллоҳ таоло қайтарган ишларни қилиш албатта Аллоҳ таоло буюрган қайсиdir ишга путур етказиши турган гап.

**Мазкур ҳадисдан оладиган фойдаларимиз:**

**Биринчи:** Эркаклар ва аёллар аралashiши мумкин эмас.

**Иккинчи:** Масжидларда ёки бошқа жойларда аёлларга ўзларига хос кириш учун эшикни қилиб бериш шаъран машруъ бўлган ишдир.

**Учинчи:** Эркаклар ва аёллар муҳтоҷ бўладиган умумий ишларда уларни ҳам, буларни ҳам эҳтиёжи тушадиган ўринларда, эркак ва аёлларни аралашмасликка йўл қилиш керак. Аёллар учун алоҳида кирди-чиқди эшиклари ёки нақлиёт воситаси қилиш керак ва эркакларга ҳам алоҳида қилиш керак. Ҳар бириники ўзига муносиб бўлиши керак.

**Тўртинчи фойда:** Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анхумонинг тақволари ва суннатга эргашишда бўлган ҳарисликлари. Аллоҳ таоло у кишидан рози бўлсин бир оғиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитганидан кейин қайтиб ана шу эшикдан кирмадилар.

**Бешинчи фойда:** Мусулмонлар устидаги ҳоким раиятга муносиб воситаларни қилишилиги керак экан ва лозим бўлган тартиб-қоидаларни ўрнатиб эркак ва аёлларни аралаштирумасликка эътибор бериши керак экан. Ва яна мусулмон ҳоким-валиюламр ўз раиятини уларга фойдали деб билган нарсага далолат қилиши керак экан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шу эшикни қолдирсан» дедилар. Шунга ўхшаган ишларга мусулмон ҳоким эътибор қаратиши керак.

Навбатдаги бобимиз:

### باب ليس للنساء وسط الطريق

### Йўлнинг ўртаси аёлларга эмаслиги ҳақидаги боб

«عَنْ حُمَزَةَ بْنِ أَبِي أَسِيدٍ الْأَنْصَارِيِّ، عَنْ أَبِيهِ، أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، يَقُولُ: وَهُوَ خَارِجٌ مِنَ الْمَسْجِدِ فَاخْتَلَطَ الرِّجَالُ مَعَ النِّسَاءِ فِي الطَّرِيقِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِلنِّسَاءِ: (اسْتَأْخِرْنَ، فَإِنَّهُ لَيْسَ لَكُنَّ أَنْ تَحْقُقْنَ الطَّرِيقَ عَلَيْكُنَّ بِحَافَاتِ الطَّرِيقِ) فَكَانَتِ الْمَرْأَةُ تَلْتَصِقُ بِالْجِدَارِ حَتَّى إِنَّ ظُوبَاهَا لَيَتَعَلَّقُ بِالْجِدَارِ مِنْ لُصُوقَهَا بِهِ. »

Хамза ибн Аби Усайд ал-Ансорийдан ривоят қилинади, у отасидан ривоят қилди, ул зот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундай деганларини этишган эканлар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжиддан чиқаётгандарида эркаклар ва аёллар йўл устида аралашиб кетдилар. Шунда

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларга айтдиларки: «Чеккага чиқинглар, йўлни ўтрасида юришга сизларнинг хаққингиз йўқ, сизлар йўлнинг четидан юринглар». Шундан кейин муслима аёл шу даражада деворга ёпишиб юрардики, ҳаттоқи унинг кийимлари деворга ўта ёпишиб юрганлигидан деворга осилиб қолар эди.

Ислом эркак ва аёлларни масжидга ўхшаш узоқ муддат аралашишлик мумкин бўлган ўринларда аралашишда манъ қилгани каби, муаққат бир оз вақт, лаҳазот-лаҳзаларда аралашиш мумкин бўлган ўринларда ҳам аралашишдан манъ қилди. Масалан, йўлда ўтиб кетаётганда, яъни сал одам кўпайиб қолганида тиқилинч бўлиши мумкин ёки бошқа пайтда рўпара келиш кам ҳолатда бўлади. Шундай ҳолатларда ҳам эркак-аёл рўпара келиб қолишиликдан қайтарди. Шунинг учун йўлнинг ўртасини эркакларга, чекаларини аёлларга белгилаб бердилар. Демак, Ислом аёл кишини доим сақлашга, уни ҳимоя қилишга эътибор қаратган. Йўлнинг ўртасини эркакларга, аёлларга эса йўлнинг четини белгилаб берган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг давридаги аёллар ул зотнинг буйруқларига шу даражада итоат қилардиларки, айтилгандан ошириб юборса юборишар эдики, кам қилишмас эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Йўлнинг четида юринглар» дедилар, деворга ёпишиб юринглар демадилар. Йўлнинг чети деганда улар энг чеккасини тушундилар. Ҳаттоқи, улардан биттаси йўлни четидан юриб бораётган пайтда уйларнинг деворларига кийими илашиб қоларди. Яъни, илашиб

очилиб қолмасди, сиз тасаввур қилиб кўринг; кенг кийим кийган аёл деворнинг ёнидан кетяпти, у деворлар хозирги пайтга ўхшаб тўрт мартадан сувалиб, унинг устидан беш мартадан краскаланган эмас. Балки, у деворлар қурилган бўйи, ҳатто усти сувоқ ҳам қилинмаган деворлар. Бундай деворларда кийимнинг илиниб қолиши турган гап. Яъни, шу даражада четдан юришарди. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бўйруқларини шундай қабул қилишар эди. Ҳа, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган бўлса айтибдиларда, нима қиласман мен кийимимни кир қилиб ёки бошқа қилиб, деб йўлнинг ўртасига тушиб олишмас эди! Гоҳилар ўйладиларки аралашиш дегани, бу узоқ вақт аралашиб туриш. Масалан, бир соат, яrim соат аралашиб, гаплашиб туришликни аралашиш дейишиди. Масалан, ишхона, мактаб шунга ўхшаган ҳолатларни. Аммо, бундан бошқа ерлар масалан, йўлда аралашиб қолиш, бозорда аралашиб қолиш бу нарсаларни аралашиш деб эътибор қилишмайди.

Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедиларки: «**Йўлнинг ўртаси аёллар учун эмас**». Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг аёллар мазкур ҳадисларга амал қилмай қўйганларини кўрганларида ушбу сўзни айтган бўлсалар керакки, айтидиларки: «Сизлар аёлларингиз кўчага чиқишидан rashk қилмайсизларми?». Бошқа бир ривоятда келганки: «Сизлар уялмайсизларми, ёки rashk қилмайсизларми? Мен эшитдимки сизларнинг аёлларингиз бозорларда кофир эркакларга аралашиб юрибди экан». Демак, бунда, Али розияллоҳу анхунинг сўзларида аёллар бозорлар-

да эркаклар билан аралашиб, тиқилинч қилиб юрмасликларига ишора бордир ва ҳамда аёлларни шундай қилиб ташлаб қўйган эркакларнинг рашиклиари, ғийралари ва ҳаёлари йўқ ёки заиф эканлигига далил бордир. Ибнул Қойим рахимаҳуллоҳ айтадиларки: «Валиюламр яъни ҳоким, мусулмонлар ҳокими эркак ва аёллар ўтасини бозорларда аралашишликдан ман қилиши керак. Амирул мўъминин Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху аёлларни кўччанинг ўртасидан юришдан, яъни эркакларнинг йўлидан юришдан манъ қилганлар ва қўчада уларга, яъни эркакларга аралашишдан қайтаргандар. Ҳар бир ҳоким Умар розияллоҳу анхуга шу ишларда эргашсин. Сўзларида давом этиб айтадиларки: Шубҳасизки аёлларга эркаклар билан аралашишга имкон бериб қўйиш ҳар бир ёмонлик ва балонинг тушишининг энг катта сабабларидан биридир ва яна бу умумий ва хусусий бузуқликларнинг бош сабабларидандир». Ибнул Қойимдан нақл тугади.

Ушбу ҳадис бир неча фойдалар ва ахкомларга далолат қилмоқда:

**Биринчиси:** Эркаклар ва аёллар умумий жойларда бўлсин, йўлларда бўлсин, масжидларда бўлсин аралашишлиги мумкин эмас. Бундан қайтирилган.

**Иккинчиси:** Мусулмонларнинг ҳокими ўз раиясими муроҳаза қилиб, уларни шундай холатларда аралашишларига йўл қўймаслиги керак.

**Учинчи фойда:** Аёлларни йўлни ўртасида юришдан қайтариши керак ва уларни йўлнинг четида юришликка тарғиб қилиши керак.

**Тўртинчи фойда:** Ҳожат бўлган пайтда, фитнадан хотиржам бўлинган пайтда эркак киши аёлларга гапиришининг жоизлиги. Уларга амру маъруф ва нахий мункар қилишининг жоизлиги. Буни биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёлларга бориб хутба, ваъз қилгандаридан олдик.

**Бешинчи фойда:** Саҳобийя аёлларнинг ажойиб иймонлари ва эътиқодлари ва буйруқ келган пайтда уларнинг жуда ҳам тезкор равишда ижобат қилишлари. Аллоҳ таоло бизнинг аёлларимизни ҳам шу саҳобийя аёлларга ўхшатсин.

**Олтинчи фойда:** Саҳоба аёлларнинг кўчага чиққан пайтда кийимлари кенг бўлган экан, тор бўлган эмас экан. Биз буни аёлнинг кийимлари деворга илиниб, осилиб қолишидан оляпмиз. Агар унинг кийими тор бўлганда илиниб қолмас эди. Одатда кенг нарса илиниб, осилиб қолади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бизнинг аёлларни ҳам саҳобийя аёлларга ўхшаб буйруқ келган пайтда, билмаган нарсаларини билган пайларида тезда шу нарсага амал қиласиганлардан қилсин ва эркакларимизни ҳам рашклари, ғайратларини ошириб, ўз аёлларини кўчаларга чиқариб, очик-сочик ҳолатда бўлсин, хижобли ҳолатда бўлсин эркаклар билан аралашиб юрадиган жойларга чиқаришдан ҳаё қиласиганлардан қилсин.

